БАЧАДОН ЛЕЙОМИОМАСИ БЎЛГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

Ҳайдарова Н.Б.
Осиё халкаро университети

Аннотация.*Тадқиқотнинг мақсади бачадон лейомиомаси бўлган ҳомиладорларда молекуляр-генетик маркерларнинг клиник ва диагностик аҳамиятини баҳолашдан иборат. Тадқиқотда 57 нафар лейомиомали ҳомиладор, 66 нафар таққослаш гуруҳи ва 30 нафар назорат гуруҳи вакилларининг клиник-анамнестик ҳамда лаборатор кўрсаткичлари ўрганилди. Натижаларда асосий гуруҳда анемия ва ўз-ўзидан ҳомила тушиши ҳолатлари кўпроқ, PIIINP даражаси эса юқорироқ эканлиги аниқланди. Хулоса қилиб, клиник ва молекуляр маркерларни комплекс баҳолаш акушерлик асоратлари хавфини эрта прогнозлашда муҳим аҳамиятга эга.*

Калит сўзлар: *бачадон лейомиомаси, ҳомиладорлик, молекуляр-генетик маркерлар, PIIINP, анемия, акушерлик асоратлари.*

Аннотация. *Цель исследования-оценить клиническое и диагностическое значение молекулярно-генетических маркеров у беременных с лейомиомой матки. В исследование включены 57 беременных с лейомиомой матки, 66 женщин группы сравнения и 30 женщин контрольной группы. Изучены клинико-анамнестические и лабораторные показатели. Установлено, что в основной группе чаще встречались анемия и самопроизвольное прерывание беременности, а уровень PIIINP был выше. Комплексная оценка клинических и молекулярных маркеров может способствовать раннему прогнозированию акушерских осложнений.*

Ключевые слова: *лейомиома матки, беременность, молекулярно-генетические маркеры, PIIINP, анемия, акушерские осложнения.*

Abstract. *The aim of the study was to evaluate the clinical and diagnostic significance of molecular genetic markers in pregnant women with uterine leiomyoma. The study included 57 pregnant women with uterine leiomyoma, 66 women in the comparison group, and 30 women in the control group. Clinical, medical history, and laboratory parameters were assessed. The results showed a higher incidence of anemia and spontaneous miscarriage, as well as elevated*

PIIINP levels, in the main group. Comprehensive assessment of clinical and molecular markers may contribute to the early prediction of obstetric complications.

Keywords: *uterine leiomyoma, pregnancy, molecular genetic markers, PIIINP, anemia, obstetric complications.*

Долзарблиги. Бачадон лейомиомаси аёллар репродуктив тизимида энг кўп учрайдиган яхши сифатли ўсмалардан бири ҳисобланади. У асосан репродуктив ёшдаги аёлларда кузатилиб, касалланиш кўрсаткичлари аҳоли гуруҳи, географик ҳудуд ва қўлланиладиган диагностик мезонларга қараб тахминан 25–70% оралиғида фарқ қилиши мумкин. Репродуктив ёшдаги, бачадон миомаси билан хасталанган аёлларни даволаш муаммоси-миометрийнинг силлиқ мушак ҳужайраларидан ривожланувчи, яхши сифатли моноклонал ўсма ҳисобланган мазкур касаллик-маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.Шунингдек, бачадон лейомиомаси кўплаб салбий клиник намоён бўлишлар ва асоратлар билан кечиши мумкин: **аномал бачадон қон кетишлари, темир танқислиги анемияси, кичик чаноқ соҳасидаги оғриқлар, сийдик чиқариш фаолиятининг бузилиши, бепуштлик ҳамда ҳомиладорлик асоратлари**.Миоматоз тугунларнинг ўлчами, сони ва локализациясига қараб имплантация жараёни, эндометрийнинг рецептивлиги, плацентанинг шаклланиши ҳамда миометрийнинг контрактил фаолияти бузилиши натижасида тушиш хавфи, муддатидан олдин туғиш, плацентар асоратлар ва бошқа акушерлик асоратлари ривожланиши эҳтимоли ортиши мумкин.

Тадқиқот мақсади. Бачадон лейомиомаси бўлган ҳомиладор аёлларда молекуляр-генетик маркерларнинг клиник аҳамиятини баҳолаш, уларнинг ҳомиладорлик кечиши ва акушерлик асоратлари ривожланиши билан боғлиқлигини аниқлаш ҳамда ушбу кўрсаткичлар асосида акушерлик асоратлари хавфини эрта прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар.Тадқиқотга бачадон лейомиомаси ташхиси тасдиқланган 57 нафар ҳомиладор аёл киритилди. Таққослаш гуруҳини бачадон лейомиомаси аниқланмаган, аммо акушерлик асоратлари ривожланиши хавф омилларига эга бўлган 66 нафар ҳомиладор аёл, назорат гуруҳини эса 30 нафар амалий соғлом аёл ташкил этди.

Барча текширилувчиларда клиник-анамнестик маълумотлар, акушерлик ва гинекологик анамнез, ҳомиладорликнинг кечиши ҳамда акушерлик асоратлари таҳлил қилинди. Бачадон миомасининг тугунлари сони, ўлчами ва локализацияси ультратовуш текшируви асосида баҳоланди.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар доирасида бачадон лейомиомасининг ривожланиши ва бириктирувчи тўқима ремоделланиши билан боғлиқ молекуляр маркерлар, жумладан MMP1 ва MMP3 генлари ўрганилди.

Тадқиқот натижалари.Тадқиқот натижалари бачадон лейомиомаси бўлган ҳомиладор аёлларда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг сезиларли ўзгаришлари кузатилишини кўрсатди. Асосий гуруҳда репродуктив анамнезни таҳлил қилиш натижасида анамнезида ўз-ўзидан хомила тушиш ҳолатлари 33,3% ни ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида 18,2% ва назорат гуруҳида 6,7% қайд этилди.

Ҳомиладорлик даврида анемия асосий гуруҳда 61,4% ҳолатда аниқланиб, таққослаш гуруҳида 40,9% ва назорат гуруҳида 23,3% ни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишончли бўлиб, p=0,002 ни ташкил этди.

Бириктирувчи тўқима ремоделланиши ва III тип коллаген синтезини тавсифловчи PIIINP кўрсаткичи асосий гуруҳда 7,8±0,32 нг/мл, таққослаш гуруҳида 5,9±0,28 нг/мл ва назорат гуруҳида 4,6±0,24 нг/мл ни ташкил этди. Асосий гуруҳда PIIINP даражаси назорат гуруҳига нисбатан тахминан 1,7 марта, таққослаш гуруҳига нисбатан эса 1,3 марта юқори бўлиб, гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан юқори ишончли эди ($p<0,001$). Ушбу натижалар бачадон миомаси бўлган ҳомиладор аёлларда бириктирувчи тўқима ремоделланиши ва коллаген алмашинуви жараёнларида ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатади.

Муҳокама.Тадқиқот натижалари бачадон лейомиомаси бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратлари ривожланиш хавфи юқорилигини кўрсатди. Асосий гуруҳда анемия ва ўз-ўзидан ҳомила тушиши ҳолатларининг кўп учраши, шунингдек, PIIINP кўрсаткичининг ошиши бириктирувчи тўқима ремоделланиши жараёнларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу натижалар клиник ва лаборатор кўрсаткичларни молекуляр-генетик маркерлар билан биргаликда баҳолашнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Хулоса.Ўтказилган тадқиқот натижалари бачадон миомаси бўлган ҳомиладор аёлларда репродуктив анамнез, акушерлик асоратлари ва бириктирувчи тўқима метаболизми билан боғлиқ лаборатор кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди. Асосий гуруҳда ўз-ўзидан тушиш ҳолатлари ва анемиянинг юқори частотада учраши, шунингдек PIIINP кўрсаткичининг ошиши бириктирувчи тўқима ремоделланиши ва III тип коллаген синтези фаоллашуви билан боғлиқ бўлиб, унинг бачадон миомаси бўлган ҳомиладорларда акушерлик асоратларини эрта прогнозлашда

потенциал лаборатор маркер сифатида аҳамиятини кўрсатади.Молекуляр-генетик маркерларни клиник кўрсаткичлар билан комплекс баҳолаш бачадон лейомиомаси бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратлари хавфини индивидуал прогнозлаш ва хавф гуруҳларини эрта аниқлаш имконини кенгайтиради.